

ЎХШАТИШ АСОСИДАГИ ШЕЪРИЙ САНЪАТЛАР

Зокиржон Мамажонов

АДУ, Ўзбек адабиёти кафедраси

ассистенти

Мумтоз адабиётшуносликда асар бадииятини белгилаш унинг таркибий қисмларидан бири бўлган “Илми бадиъ”нинг вазифаси ҳисобланади. Унинг ўрганиш объекти эса, асосан, шеърий санъатлардир. Мумтоз адабиётни ўрганишга қизиқишнинг ортиб бориши, ўз-ўзидан, шеърий санъатларни ўрганишга бўлган қизиқишнинг ҳам ортишига сабаб бўлмоқда. Бу эса шеърий санъатларни махсус ўрганиш, бу соҳада ҳам бугунги адабиётшунослик илмининг эришган даражасидан келиб чиқиб тадқиқотлар олиб бориш заруратини юзага келтиради. Чунки бугунги адабиётшунослик мумтоз адабиётимизга янгича назар билан қараш, унинг бадиий баркамоллигига холис баҳо бериш ва шу орқали бой адабий меросимизга тўғри ёндашувни шакллантиришга масъулдир.

Шеърий санъатларнинг ўзига хос қонуниятлари, таснифланиши юзасидан форс ва араб адабиётшунослиги билан бир қаторда ўзбек адабиётшунослигида ҳам шу кунгача бир қанча тадқиқот ишлари олиб борилган. Ушбу тадқиқотларнинг деярли барчасида шеърий санъатларни таснифлаш масаласида деярли бир хил анъана ҳозиргача сақланиб келинади ва уларда, асосан, Рашидиддин Вотвотнинг “Ҳадейик-ус-сеҳр” ҳамда Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг “Бадойиъ-ус-санойиъ” асарларига таянилади. Уларга кўра, шеърий санъатлар лафзий, маънавий ҳамда лафзию маънавий санъатлар тарзида таснифланган. Бу хил таснифда шакл ва мазмун муносабатлари, улардан қай бирининг етакчи мавқега эга эканлиги асосий мезон қилиб олинган. Бироқ биламизки, бадиий асардаги шакл ва мазмун бир-биридан ажратиб бўлмайдиган, муҳим ва номуҳимга ажратиш мумкин бўлмаган тушунчалардир. Демак, маънавий санъатларнинг шаклдан айри ҳолда ёки, аксинча, лафзий санъатларнинг фақат шакл ҳодисаси сифатида маънодан айри ҳолда санъатга айланиши ҳам мумкин бўлмаган ҳодисалардир. Фақат айни ўринда улардан бири бошқасига нисбатан етакчироқ мавқеда бўлиши мумкин, холос. Адабиётшунос Б. Саримсоқовнинг “Бадиийлик асослари ва мезонлари” рисоласида “Бадиий асарнинг мазмуни ҳамда шакли бадиийликнинг икки қанотидир”¹ деган фикрни ўқиймиз. Демак, гап бадиий асар ҳақида экан, унинг бадииятига баҳо беришда шакл ва мазмун муносабатларига, айниқса, уларнинг ажралмас тушунчалар эканлигига, бирининг иккинчисисиз мавжуд бўла олмаслигига алоҳида эътибор бермаслик мумкин эмас. Юқорида номи

келтирилган рисолада яна шундай фикр мавжуд: “Адабий асарнинг бадиийлик даражаси ҳам мазмуний, ҳам шаклий жиҳатдан тенг баҳолангандагина самарали бўлади, акс ҳолда хулосалар бир томонлама бўлиб қолаверади”². Бу фикр, албатта, шеърий асарларга ҳам бирдай тааллуқли. Шундай экан, гарчи шеърий санъатларни лафзий ва маънавий санъатлар тарзида таснифлаш бир неча асрлардан буён анъана бўлиб келаётган бўлса ҳам, адабиётшунослик илмининг бугунги даражасига мувофиқ келмайди, деб ҳисоблаймиз. Бу эса шеърий санъатларни таснифлаш масаласига бошқачароқ ёндашиш лозимлигини тақозо этади. Кейинги пайтларда мазкур эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда қатор илмий изланишлар олиб борилаётгани ва таснифлаш масаласида ўзига хос янгича муқобилларнинг ҳам юзага келаётгани мана шу заруратнинг ҳосиласи, десак хато бўлмаса керак.

Жумладан, зулқофиятайн, зулқавофиъ, тарсеъ, мусажжаъ, тажзия каби қатор санъатларнинг аксарияти мавжуд адабиётларда лафзий санъатлар сифатида берилгани ҳолда, уларни адабиётшунос А. Ҳожиаҳмедов асосли равишда “қофия санъатлари” номи билан алоҳида гуруҳга ажратиб берган³. Ҳақиқатан ҳам, мазкур санъатлар билан бир қаторда тасриъ, таштир, ташриъ каби санъатларнинг ҳам юзага келишидаги асос қофия ҳисобланади.

“Бобур шеъриятида лисоний такрор билан боғлиқ шеърий санъатлар” номли мақоладаги қарашларни ҳам шеърий санъатларни таснифлаш йўлидаги яна бир уриниш дейиш мумкин. Унда “Лисоний такрор товуш такрори, сўз такрори, сўз бирикмаси такрори, гап такрори каби кўринишларга эга бўлиб, улар асосида адабиётда бир қатор шеърий санъатлар ва шеър унсурлари вужудга келади”⁴, деган фикр айтилган ва шу асосда бир нечта такрор асосидаги шеърий санъатлар ҳақида Бобур шеърияти мисолида маълумотлар берилган. Бундан ташқари адабиётшунос Т. Бобоев ҳам такрор асосидаги айрим санъатларни “қайтариш санъати” номи билан алоҳида гуруҳлаган.⁵ Дарҳақиқат, тавзиъ, тақрир, мукаррар, радди матлаъ, раддул ажуз, таъдил, тарди акс, иштиқоқ, тажнис, лафф ва нашр, тасбеъ, тасдир каби бир қанча шеърий санъатлар борки, уларнинг юзага келишида ё товуш такрори, ё сўз такрори, ё жумла такрори, ё мисра такрори, ё байт такрори ёки маъно такрори асосий роль ўйнайди. Такрорланаётган товуш, сўз, жумла, мисра, байт ёки маъно эса, табиийки, шеърга ўзига хос оҳанг бахш

¹ Саримсо=ов Б. “Бадиийлик асослари ва мезонлари” Т. 2004. 6-бет

² Ёша асар. Ёша саҳифа.

³ Ҳожиаҳмедов А. “Шеърий санъатлар ва мумтоз =офия” Т.,

⁴ Улу=ов Н. Баятова Д. “Бобур шеъриятида лисоний такрор билан боғлиқ шеърий санъатлар” “Тил ва адабиёт таълими” 2000 йил, 6-сон. 40-43-бетлар.

⁵ Бобоев Т. “Адабиётшунослик асослари” Т. “Ўзбекистон” 2002 йил. 362-бет.

этиш билан бирга фикрни таъкидлаш, маънони кучайтириш каби бир қатор вазифаларни бажаради ва шу тариқа санъат ҳодисаси юзага келади.

Адабиётшунос В.Раҳмоновнинг “Шеър санъатлари”⁶ рисоласида ҳам, М.Шарипованинг “Ҳарфий санъатлар хусусида”⁷ мақоласида ҳам араб ҳарфлари асосидаги санъатлар ҳақида маълумотлар берилиб, уларни “ҳарфий санъатлар” номи билан алоҳида гуруҳланган.

Умуман олганда, бу каби қарашларни ҳали жуда мукаммал даражадаги илмий асосга эга бўлган ва тугалланган фикрлар сифатида қабул қилиш мумкин бўлмаса ҳам, бу ҳолат шеърий санъатларни таснифлаш масаласидаги янгича қарашларга бўлган эҳтиёжнинг мавжудлиги ва ҳатто юқори даражада эканлигидан далолатдир. Бизнинг фикримизча, шеърий санъатларни таснифлашда айнан санъат ҳодисасини юзага келтираётган бирламчи омилнинг нима эканлиги нуқтаи назардан ёндашиш маъкулроқ.

Мавжуд адабиётларда ташбеҳ, тамсил, ҳусни таълил, тажохули ориф, талмеҳ, лафф ва нашр, истиора, китобат каби санъатларнинг айримлари лафзий, айримлари маънавий санъатлар сифатида кўрсатилган. Мантиқан қаралганда, ушбу санъатларнинг юзага келишида асос бўлаётган нарсa, бизнингча, ўхшатиш ҳисобланади. Шу боис бундай санъатларни “Ўхшатиш асосидаги санъатлар” сифатида алоҳида гуруҳга ажратиш мумкин, деб ўйлаймиз. Аристотелнинг “Поэтика” асарида “Поэзия ўхшатиш санъати”⁸ деган фикр мавжуд. Дарҳақиқат, поэзия сўзини кенг маънода “бадий адабиёт” деб, тор маънода “шеърият” деб тушунсак ҳам, унинг асоси ўхшатиш эканлиги ҳақ гап. “Илми бадиъ”даги истилоҳ сифатида эса ўхшатиш, яъни ташбеҳни нисбатан торроқ маънода тушуниш мумкин. Сабаби ўхшатилиш жараёнини айнан ташбеҳ деб аташ учун айна ҳолатда ўхшатишни ҳосил қилувчи жузвларнинг маълум даражадаги иштироки талаб этилади. Бобурнинг машҳур:

Ҳазон япроғи янглиғ гул юзинг ҳажрида сарғардим.

мисрасида ташбеҳнинг икки хил кўриниши ишлатилган. Биринчиси, “Ҳазон япроғи янглиғ сарғармоқ”, иккинчиси, “гул юзинг”. Биринчи ташбеҳда ташбеҳ ҳосил қилувчи унсурлар тўлалигича иштирок этаётганлиги учун уни “ташбеҳи муфассал” деб аталади. Тўғри унда “мушаббих” яъни “мен” зоҳиран қатнашаётгани йўқ, лекин гап шахси маълум гап шаклида эканлигини ва бундай гапларда кесимга сўроқ бериш орқали эгасини топиш мумкинлигини ҳисобга олсак, мантиқан мушаббихни ҳам мавжуд дейиш мумкин. Иккинчи ўхшатиш “гул юзинг”да важҳи шабих ҳам, воситаи ташбеҳ

⁶В. раҳмонов “Шеър санъатлари” Т., 2001

⁷ Шарипова М. “Ҳарфий санъатлар хусусида”, “Ўзбек тили ва адабиёти” 2004 йил, 3-сон.

ҳам ишлатилмаган. Ташбеҳнинг бу турини адабиётшунос Ё. Исҳоқов “ташбеҳи мўъкад” деб атаган ва унга шундай таъриф берган: “Бунда ўхшатиш воситалари (ёрдамчи сўзлар ёки –дек, –дай кўшимчалари) ишлатилмайди, балки ўхшатиш ва ўхшатиш нарса (бизнингча, “ўхшаётган нарса” демоқчи) ҳукму маҳкум (эга, от-кесим) тарзида келади. Шунинг учун бу ўхшатиш ҳам ёпиқ ташбеҳ ҳисобланади”.⁹ Унинг ёпиқ ташбеҳ дейилишига сабаб шуки, ўқувчи нима учун айнан “гул юзинг” дейилаётганлигини, яъни нима учун айнан “гул” эканлигини ўз ақли ила идрок қила олиши лозим бўлади. Бунинг учун эса ўқувчи ёрнинг юзини гулга ўхшатиш мумтоз адабиётда ўзига хос бир анъаналардан бири эканлигидан хабардор бўлиши лозим. “Лаъли лаб”, “сунбул соч”, “хат- райҳон” кабилар ҳам шу каби ташбеҳлардир.

Ё.Исҳоқовнинг юқорида номи тилга олинган мақоласида яна шундай фикрни ўқиймиз: “Шуни ҳам таъкидлаш керакки, ташбеҳ кўпинча бошқа санъатлар билан аралаш ҳолда келади. Бир қатор шеърӣ санъатлар эса бевосита ташбеҳ заминида вужудга келади”¹⁰. Биз юқорида бундай санъатларнинг бир нечтасини санаб ўтдик. Улар орасида ташбеҳга жуда яқин турадиган ва ҳатто ташбеҳнинг “ташбеҳи мўъкад” ва “ташбеҳи киноя” турлари билан деярли ажратиб бўлмайдиган санъат истиорадир. Истиорада ташбеҳ ҳосил қилувчи унсурлардан фақат мушаббихун биҳ тилга олинади ва аслида мушаббих назарда тутилади. А.Хусайнийнинг “Бадойиъ-ус-санойиъ” асарида ўқиймиз: “Ташбеҳи киноят андин ибораттурким, сўзлагувчи ўз кўнглида бир нимани бир нимага ташбеҳ қилур ва каломда ташбеҳ одатин келтирмас ва мушаббихни мушаббах биҳ лафзи била таъбир этар”¹¹. Худди шу китобда истиора таърифидан сўнг яна шундай фикр ҳам айтилган: “Истиора баёнида айтилган бу фикр Шамс Қайс каломининг хулосасидур ва машҳури ушбудир. Бу фикрга кўра истиора била ташбеҳи киноя орасидаги фарқ зоҳир эмастур”.¹² Демак кўринадики, истиора ташбеҳ билан чамбарчас боғлиқ бўлган, ундан ажратиш анча мушкул бўлган санъатдир. “Истиора арабча “Мустаор” сўзидан олинган бўлиб, ориятга, омонатга олинган деган маънони билдиради”¹³. Бунда шоир ўзи ишлатаётган сўзни гўё омонатга олади ва ўша сўзни ўз маъносида эмас, кўчма маънода ишлатади ва бу кўчма маъно ўхшашликка асосланади. Шу йўл билан мазкур сўз гўё омонатга олинади. Рауф Парфининг “Дилоромнинг кўзлари” шеъридаги биргина мисрани олайлик:

⁸ Аристотель. “Поэтика” /. /улом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1980й. 7-бет.

⁹ Ызбек тили ва адабиёти журнали 1970й 4-сон 84 бет Ё. Исҳоқов “Ташбеҳ”

¹⁰ Ыша ма=ола, Ыша сацифа.

¹¹ Щусайний А. “Бадойиъ ус санойиъ” Т., 1980. 213-бет.

¹² Ыша асар. 220-бет.

¹³ “Ызбек тили ва адабиёти”. 1967 йил 1-сонидagi Тыл=ин Расуловнинг “Истиора” ма=оласида у шца=да жуда кенг, батафсил маълумот берилган

Ойнинг оқ сочларин севиб тарагил...

Ушбу мисрадаги “ой” ва “оқ соч” сўзларига эътибор беринг. Агар “ой” сўзини ўз маъносида, яъни “осмондаги ой” маъносида тушунсак, у ҳолда “оқ соч” жуда гўзал истиора. Ой зулматни ёритувчи фонус ва шоираона таърифларда ер учун энг қадимий ва садоқатли ёр, гўзал малак. Ундан таралаётган оппоқ нурлар эса узун зулф. Демак ,ойни жуда қадимий ва ҳамиша навқирон “оқ сочли гўзал” дейиш мумкин. Агар “оқ соч”ни ўз маъносида тушунсак, у ҳолда “ой” истиора. Ойдаги фусункорлигу маъшуканинг ҳусну таровоти ўртасидаги ўхшашлик асосида ой сўзининг тўғридан-тўғри “маъшуқа”, “ёр” маъносида ишлатилиши анчагина анъанавий истиора ҳисобланади. Лекин “оқ соч”ни ойдан таралаётган оппоқ нурлар маъносида ишлатиш ўзига хос истиорадир. Ҳар иккала ҳолатда ҳам ўқувчини ишонтирадиган нарсая ой ва маъшуканинг гўзаллиги ўртасидаги ҳамда ой нурлари-ю паришон сочлар ўртасидаги ўхшашликдир. Рашидиддин Вотвотнинг “Ҳадоийк-ус-сихр” асарида истиора ҳақида шундай дейилади : “ҳар бир сўзнинг ҳақиқий маъноси бўлиб, шоир ва ёзувчилар сўзни ана шу маъно нуктаи назаридан нақл қиладилар ва бошқа бир ўринда ўша сўзни орият учун (бошқа маънода) ишлатадилар. Бу санъат барча тилларда мавжуд ва ниҳоятда гўзалдир. Агар истиора табиий бўлса, сўзга гўзаллик бағишлайди”¹⁴ Юқорида келтирилган мисолда ой ва соч сўзлари ўз маъносидан ориятга, омонатга олиниб , бошқа маънода- машуқа ва нур маъноларида табиий ва гўзал ифода касб этган, десак муболаға бўлмаса керак.

Ўхшатиш асосида юзага келадиган яна бир санъат тажохули орифдир. “Бадойиъ-ус-санойиъ”да тажохули ориф ҳақида шундай дейилади: “Тажохулу- ориф андин ибораттурким, сўзловчи бир нимани билур, аммо бир нукта била ўзини билмагандек кўрсатур”¹⁵. Адабиётшунос Ё. Исҳоқовнинг “Тажохилу ориф”¹⁶ мақоласида ушбу санъатга “Арузи ҳумоюн” ҳамда “Жамъи мухтасар” асарларидаги таърифларни келтириб, уларни шундай изоҳлайди : “Шоир ўзи тасвир этаётган нарсая ёки ҳодисани ёхуд унинг характерли хусусиятини яхши билади. Ана шу хусусият ёки белгиларни ёрқин ва таъсирли қилиб ифодалаш мақсадида оддий хабар, баён йўлидан бормай, риторик савол усулидан фойдаланади. Бироқ шу саволнинг ўзида жавоб ҳам , яъни шоирнинг муддоси кўриниб туради”. А.Ҳожиаҳмедовнинг “Шеърий санъатлар ва мумтоз қофия” асарида тажохули ориф санъатига шундай таъриф берилади: “Билиб туриб билмасликка олиш” маъносини

¹⁴ Парча “Ўзбек тили ва адабиёти” журналининг 1972 йил, 6-сони, 79-бетдаги Т.Муродийнинг “Истиора” маъноласидан олинди.

¹⁵ Щусайний А. “Бадойиъ-ус-санойиъ” Т., 1980

¹⁶ “Ўзбек тили ва адабиёти” журналы 1970 йил, 3-сон. 69-бет

ифодаловчи ушбу шеърий санъат шоирнинг байтда акс эттириладиган бирор образли иборани аниқ айтмасдан ўзини билиб билмасликка олгандек кўрсатишини назарда тутди”¹⁷. Келтирилган таърифларга кўра бу санъатнинг гўё ўхшатишга алоқаси йўқдай туюлади. Бироқ мазкур таърифларнинг давомида тажохули орифнинг ҳосил бўлишидаги асоснинг ўхшатиш эканлиги айтиб ўтилган. Жумладан, Ё.Исҳоқов “Бу санъатнинг замирида ҳам кўпинча ташбеҳ ётади. Бироқ бунда қиёслаш савол йўли билан юзага чиқади”, деган бўлса, А. Ҳожиаҳмедов: “Тажохилу ориф қўлланган байтларда кўпинча маҳбуба қиёфаси қиёсий ҳолда тасвирланади, бир неча нарсага ўхшатилади, лекин узил-кесил фикр билдирилмайди” дея ўз фикрини давом эттиради. Дарҳақиқат, шоирнинг айни ҳолатни билиб туриб билмасликка олишдан асл мақсади ё ўз хайратини, ё ёр васфини ёки эзилган, қадди букилган ошиқ ҳолатини баён этишда яшириш ўхшатиш ва ёки муболағали тасвирни қўллашдан иборат бўлади. Лекин ҳар қандай сўроқ мазмуни ва ҳатто ҳар қандай риторик сўроқ ҳам тажохули ориф бўла олмаслиги мумкин. Қуйидаги уч байтни қиёсий кўриб чиқайлик:

- 1-байт: Кўкарди чаман гулузорим қани?
 Сихи сарв бўйлуқ нигорим қани?
- 2-байт: Ақл ёр ўлсайди, тарки ишқи ёр этмасмидим?
 Ихтиёр ўлсайди роҳат, ихтиёр этмасмидим?
- 3-байт: Тун яримда кун туғурди ёки бепарво чикиб,
 Зулф аросидан юзини ойга кўрсатганмикин.

Биринчи байт оддий сўроқ шаклида. Унда лирик қаҳрамон билиб билмасликка олаётгани йўқ, ҳақиқатан ҳам ўзига номаълум бўлган нарсани сўраяпти. Демак, бу байтда тажохули ориф қўлланаяпти деб айта олмаймиз. Иккинчи ва учинчи байтлар эса мазмунан риторик сўроқ гап шаклида. Биламизки, риторик сўроқ гаплар жавоб талаб қилмайди, чунки бундай гапларнинг ўзида яширин тарзда жавоб мавжуд бўлади. Мазкур яширин жавоб эса тасдиқ ёки инкор маъносида бўлиши мумкин. Келтирилган иккинчи байтда яширин тасдиқ маъноси мавжуд, яъни ундаги лирик қаҳрамон фикрини “Агар менга ақл ёр бўлганда эди, албатта ёрнинг ишқини тарк этган ва ихтиёрим ўзимда бўлса, албатта ўзимни азобга қўймасдан роҳатни ихтиёр этган бўлар эдим” тарзида тушуниш мумкин. Бу эса мазкур байтнинг яширин тасдиқ маъносидаги риторик сўроқ гап шаклида эканлигидан далолатдир. Кўриниб турибдики, байтда билиб билмасликка олиш ҳолати эмас, лирик қаҳрамоннинг риторик савол шаклидаги

¹⁷ Ҳожиаҳмедов А. “Шеърий санъатлар ва мумтоз оғина” Т. “Шар” 1998й. 35-бет.

кечинмалари, туйғулари, орзуси акс этмоқда. Бундай усулни А.Ҳожиаҳмедов “истиғфом” деб атаган¹⁸.

Энди учинчи байтга эътибор беринг. Одатда, ёр юзини ою кунга, зулфнинг қоралигини тунга қиёслайдилар. Келтирилган байт бу каби ошқора ташбеҳдан ҳоли, бироқ “юзинг ойга ўхшайди” ёки “қаро зулфнинг тун қабидир” шаклидаги ташбеҳдан кўра гўзалроқ ифода касб этган. Чунки лирик қаҳрамон Ёрининг гўзаллигидан ҳайратлаётганлигини яшира олмай, ўз кечинмаларини: “қаро зулф орасида ёниб, нур таратиб турган ёрнинг жамолими ёки ярим тунда кун туғдими”, яъни “осмонда ой нур таратиб турибди-ю бу ёқдан яна бир ой чиқиб келаяпти-я” дея билмасликка олиш орқали ўзига хос гўзал тарзда баён этмоқда. Ўқувчи учун гарчи зулфнинг қаро тунга, юзнинг ою кунга ўхшатилиши анчагина таниш ва анъанавий ташбеҳ бўлса ҳам, унинг билиб билмасликка олиш шаклида берилиши ўзгача завқ бағишлайди. Билиб билмасликка олиш жараёнида тилга олинаётган тун билан зулф, кун билан юз тушунчалари ўртасида ўхшашлик ёки алоқадорликнинг бўлмаслиги мумкин эмас ва бу нарсани бадиий мантиққа ҳам, ҳаётий мантиққа ҳам тўғри келмайди. Демак, айтиш мумкинки, риторик сўроқ шаклидаги байтда тажохули ориф санъати қўлланган дейиш учун, бизнингча, ундаги яширин тасдиқ маъноси яширин ўхшатишга асосланган бўлиши шарт.

Биз ўхшатиш асосида юзага келади деб ҳасоблаётган санъатларнинг фақат иккитаси ҳақидаги айрим мулоҳазаларимизни билдиришга ҳаракат қилдик, холос. Хулоса қилиб шуни айтиш мумкин. Ҳар иккала санъат ҳам мавжуд рисолаларда маънавий санъатлар сифатида берилган. Бироқ улардаги маъно гўзаллиги, аввало, айтиш бир лафзнинг шаклан мавжудлиги боис ҳам юзага келаётгани аён кўриниб турган ҳолат. Қолаверса, истиоравий маъно юкланаётган сўзларда ҳам, билиб билмасликка олиш ҳолатида тилга олинаётган нарсани ва тушунчалар ўртасида ҳам аксарият ҳолларда шаклий ўхшашлик назарда тутилади. Лекин гап у ердаги шаклий ўхшашликда ҳам эмас, муҳими уларнинг санъат ҳодисасига айланишида шакл ва мазмун муносабатларидан кўра ўхшашликнинг бирламчи мезон эканлигидадир.

¹⁸ Ҳожиаҳмедов А. “Шеърини санъатлар ва мумтоз =офия” Т., 112-бет